

РЕСПУБЛИКАМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИНИ ИСТИҚБОЛДАГИ РИВОЖЛАНИШИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Ж.Ж.Эргашев

Наманган муҳандислик-технология институти *PhD.*,

Б.М.Акбаров

Мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Мақолада республикамизда кичик бизнес соҳасини истиқболдаги ривожланишида давлат сиёсати, бугунги кундаги кичик бизнес фаолиятини ўзгариш жараёнлари хамда мамлакаттимиз кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш самарадорлиги кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, харажат, бизнес, тадбиркорлик, инвестицион, тадбиркорлик фаолияти, хорижий инвестиция, инвестицион тизим.

Аннотация: В статье рассматривается государственная политика по дальнейшему развитию сектора малого предпринимательства в нашей республике, процессы изменения деятельности малого предпринимательства сегодня, эффективность развития малого бизнеса в нашей стране.

Ключевые слова: малый бизнес, стоимость, бизнес, предпринимательство, инвестиции, предпринимательская деятельность, иностранные инвестиции, инвестиционная система.

Abstract: The article discusses government policy for the further development of the small business sector in our republic, the processes of change in the activities of small businesses today, and the effectiveness of small business development in our country.

Key words: small business, cost, business, entrepreneurship, investment, entrepreneurial activity, foreign investment, investment system.

Мамлакатимиз ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантириш, иқтисодиётни юксалтириш, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг фаровонлигини ошириш, яшаш даражаси ва сифатини ошириш эса бугунги куннинг энг муҳим долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида кўзда тутилган мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг


айрим қонун хужжатларига ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонун 2020 йил 10 ноябрда Қонунчилик палатасига қабул қилинган ва 2020 йил 20 ноября Сенат томонидан маъқулланган.

Ушбу қонунга бир қатор ўзгаришлар киритилган ва 1-моддадаги ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган “2020-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-sonli Қонунига ўзгаришлар киритилган. 14-илова матни қуидаги таҳрирда баён этилсин деб келтирилган. 2 моддада Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабря қабул қилинган ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига бир қатор ўзгаришлар киритилган¹.

Хусусан, тадбиркорлик субъектлари учун мавжуд имкониятлар, имтиёзлар ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида, давлат идораларининг расмий веб-сайтларида муентазам равишда ёритиб бориш, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда консультатив ёрдам ҳамда ахборот жиҳатдан таъминлаш, тадбиркорларнинг молиявий ва хукуқий саводхонлигини ошириш бўйича жойларда семинар-тренинглар ўтказиш белгиланди. Шунингдек, тадбиркорларга ишончли шериклар ва ишлаб чиқараётган маҳсулотлари учун янги бозорларни топишга, экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи аниқ манзилли дастурлар ишлаб чиқишидан иборат.

Бундан ташқари, ер участкаларини танлаш бўйича материалларни келишиш пайтида қурилишга рухсат берилган ёки тақиқланган обьектлар турларини аниқлаш, архитектура-режа топшириғини ишлаб чиқиш, шунингдек, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартларни тақдим этиш, ер участкаларини танлаш бўйича материаллар юзасидан муайян давлат органлари хulosаларини олиш талабини бекор қилиш, келишув ва ижобий хulosалар берилгандан сўнг қўшимча қарорларсиз ер участкаларини «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали автоматик режимда электрон онлайн-аукционга қўйиш, электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги баённома асосида ер участкасига бўлган хукуқларни давлат рўйхатига олиш, шунингдек, аукцион ғолибиға ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарор ўрнига Кўчмас мулкка бўлган хукуқларнинг давлат реестридан кўчирма бериш имконияти ҳам мавжуд.

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палатасиларининг Ахборотномаси, 2019-йил, 12-сонга 1-илова; 2020-йил, № 3, 198-модда. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.12.2020-й., 03/20/652/1581-сон)



1.расм. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизми

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш механизми бўйича маълумот берилган бўлиб, юқоридаги механизмда ташкил этилиши кутилаётган агентлик мамлакатда кичик бизнес бўйича ягона давлат сиёсатини юритишни қўллаб-қувватлайди ҳамда мамлакат ҳудудлари бўйича кичик бизнес субъектларини ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишига, мамлакатни бизнес мухитини яхшилашга хизмат қиласди (1-расм).

Шу билан бирга кичик субъектларини фаолиятини ривожлантириш, бизнес мухитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш ва марказлаштирилган ҳолда тадқиқот натижалари орқали ишлаб чиқилган илмий ишланмалар ва таклифларни тайёрлашдан иборат. Мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес фаолиятини кенгайтириш, янги йўналишларини таклиф этиш, янги ноу-хауларни кичик бизнес соҳаларига кенг жалб этиш, тўртингчи саноат инқилоби ютуқлари натижаларидан фойдаланилган ҳолда кичик бизнес субъектларини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини барпо этиш ва ишсизлик муаммосини ҳал этиш муҳим роль ўйнайди.


Йирик ишлаб чиқарувчилар ва кичик корхоналар ўртасидаги мустаҳкам интеграциялашуви натижасида хомашё, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини йўлга қўйиши ва соҳага тижорат банклари томонидан мақсадли инвестицияларни жалб этишини амалга оширилади. Мамлакат иқтисодиётидаги хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва умуман, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятига жалб этишини қўллаб-қувватлаш учун давлат дастурлари доирасида мақсадли инвестицион маблағларни самарали

фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакат иқтисодиётини юқори чўққиларга кўтариш учун кичик бизнес субъектлари учун ишлаб чиқилган рақамли технологиялар ва замонавий ахборот технологиялардан кенг фойдаланиш зарур.

2020-2030 йилларда кичик бизнес субъектларини рақамли технологиялардан фойдаланилган ҳолда дунё иқтисодиётига кенг кўламли трансформациялашни амалага ошириш мақсадга мувофиқдир. Республиканинг ҳар бир ҳудудларида кичик “IT-парк”лар ташкил этиш, улар негизида инновацион ишланмалар ишлаб чиқарувчи “ақл фабрикалари” фаолиятини йўлга қўйиш даркор. Кичик бизнес обьектларини барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, соҳага оид рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бу маҳсулотларни янги халқаро бозорларга чиқариш ва экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, қулай транзит йўналишлар орқали кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни янги бозорларга етказиб бериш.

Кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган харидоргир маҳсулотлар турларини кенгайтириш, уларга бозор топиш ва сотиш билан хусусий компаниялар шуғулланиш имкониятларини тақдим этиш. Юқоридаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга етказиш, уларнинг таннархини пасайтириш учун ҳар бир ҳудудларда минтақавий, халқаро транспорт-логистика мажмуаларини ташкил этиш лозим бўлади. Шу билан кичик бизнес корхоналарини қонуний ҳимоя қилиш учун бир қатор амалий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда, мақоми, фаолият йўналиши ва кўлами, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг вазифалари, фаолият йўналишлари ва ваколатларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва барча тармоқларни рақамли технологиялар орқали ривожланишини таъминлаш зарур. Бизнинг фикримизча, кичик бизнес корхоналари хуқуқларини доимо ҳимоя қилиш ишларини олиб бориш, уларни мулкларини ҳимоя қилиш бўйича онлайн шаклда мурожатлар тизимини ривожлантириш, шу билан бирга рақамли иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни кузатиш орқали мамлакат иқтисодиёти учун энг оптималь варианtlарини ишлаб чиқиб, амалиётга таклиф этиш ишларини жадаллаштириш зарур (2-расм).



2-расм. Кичик бизнес фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми

Ишбилиармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида – тадбиркорлик фаолияти соҳаси қонунчилигини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини ишбилиармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти соҳасида қабул қилинган меъёрий-хукуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши устидан жамоат экспертизасини ташкил этиш ва жамоат назоратини кучайтиришга кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кичик бизнес корхоналари фаолиятини ривожлантириш, қулай ишбилиармонлик муҳити ва инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат дастурлари, шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиша иштирок этиш;

Бизнинг фикримизча, янгидан фаолият бошлиётган тадбиркорларни жойлаштириш учун бизнес-инкубаторлар фаолиятини яратиш ва ташкил этиш ҳамда уларга бизнес-режаларни тайёрлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олиш ва амалий масалаларни ҳал этишда эксперт, хукуқий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш ишларини жадаллаштириш керак бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони./Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2019 й. 20-май. 20-сон.369 модда.

2. Арипов О.А.. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилиармонлик муҳитини ривожлантириш. Дис... иқт. фан. д-ри. – Т., 2020.

3. Muhammadjanovich K. I. EFFECTIVE DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP //Conference Zone. – 2022. – S. 129-133.
4. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Статистик тўплам. Тошкент, 2020 й.1906.
5. www.agro.uz сайти маълумотлари.
6. <https://tass.ru/pmef-2017/articles/4278934>